



## MONUMENTS OF THE USTURT MESOLITHIC PERIOD

**Madreymov Berik Djalgasbayevich**

Berdakh Karakalpak State University

Associate Professor, Department of Archaeology, PhD.

**Mawlenov Imamaddin Muxamatdinovich**

Berdakh Karakalpak State University

Associate Professor, Department of Archaeology

[imamaddinmawlenov@gmail.com](mailto:imamaddinmawlenov@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17275305>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> September 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> September 2025

Online: 30<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

*Ustyurt, Mesolithic, archaeology, cultural periods, Central Asia, civilization.*

### ABSTRACT

*In this article, the cultural and periodic features of the archaeological monuments of the Mesolithic era located on the Ustyurt Plateau are analyzed in detail. Based on the lifestyle of the population of the Mesolithic era, labor tools, monuments, and chronological features, the development of civilization in this region is studied. Conclusions were also made about the role of these monuments in the ancient history of Uzbekistan and their significance in the archaeology of Central Asia. It is based on scientific analysis, archaeological data, findings, and existing theories.*

## ПАМЯТНИКИ УСТЮРТСКОГО МЕЗОЛИТА

**Мадреймов Берик Джалгасбаевич**

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха доцент кафедры археологии, PhD.

**Мауленов Имамаддин Мухаматдинович**

Karakalpak State University named after Berdak Assistant of the Department of Archaeology. [imamaddinmawlenov@gmail.com](mailto:imamaddinmawlenov@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17275305>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> September 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> September 2025

Online: 30<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

*Устюрт, мезолит, археология, культурные периоды, Центральная Азия, цивилизация.*

### ABSTRACT

*В данной статье подробно проанализированы культурные и периодические особенности археологических памятников эпохи мезолита, расположенных на плато Устюрт. На основе образа жизни населения эпохи мезолита, орудий труда, памятников и хронологических признаков изучается развитие цивилизации в этом регионе. Также были сделаны выводы о роли этих памятников в древней истории Узбекистана и их значении в археологии Центральной Азии. Он основан на научном анализе, археологических данных, находках и существующих теориях.*



## УСТЮРТ МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

**Мадреймов Берик Джалгасбаевич**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Археология кафедраси доценти, PhD.

[bmadreymov@inbox.ru](mailto:bmadreymov@inbox.ru) ORCID ID: 0000-0001-5725-6363

**Мауленов Имамаддин Мухаматдинович**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Археология кафедраси ассистенти [imamaddinmawlenov@gmail.com](mailto:imamaddinmawlenov@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17275305>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> September 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> September 2025

Online: 30<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

*Устюрт, мезолит, археология, маданий даврлар, Марказий Осиё, цивилизация.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Устюрт платосида жойлашган мезолит даври археологик ёдгорликларнинг маданий ва даврий хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Мезолит давридаги аҳоли турмуш тарзи, меҳнат қуроллари, ёдгорлик ва хронологик белгилари асосида ушбу ҳудуддаги цивилизация ривожини ўрганилади. Шунингдек, мазкур ёдгорликларнинг Ўзбекистоннинг қадимий тарихида тутган ўрни ва уларнинг Марказий Осиё археологиясидаги аҳамияти хусусида хулосалар берилган. Илмий таҳлиллар, археологик маълумотлар, топилмалар ва мавжуд назариялар асосида олиб борилган.*

XX-аср жаҳон археологиясида тош даври, айниқса, мезолит жамоаларининг моддий маданияти эволюцион назария асосида ўрганилди. Ҳозирги кунда жаҳон фанида мезолит даври ва унинг даврланиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд.

Устюрт ҳудуди Ўзбекистон мезолит даври маданиятини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида мазкур сарҳадларда Е.Б.Бижанов ва А.В.Виноградовлар томонидан 20 га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланган. Улар асосан очиқ типдаги ёдгорликлар эди [1]. Тадқиқотчиларнинг кузатишларича, бу ёдгорликлар товоқсойлар, шўрхок ерлар, кумли массивлар, эски “кўрфаз”лар, ирмоқсимон чуқурликлар ва булоқлар бўйларида жойлашган. Бундай топографияга Айдобол, Чурук, Картпайқум, Алан массиви ва бошқалар эгадирлар. Улар узоқ ва қисқа муддатли маконларга ажратилади. Узоқ муддатли ёдгорликларга 2000 дан зиёд топилмали Айдабол 25 (1000 дона топилмага эга), Айдобол 20, Актайлак (14000 топилма билан); Кийикшинграв 2 (12000 топилмага эга) кабиларни киритиш мумкин. Қисқа муддатли ёдгорликларга Айдобол 15 (83 та топилма), Чурук 2 (84 та топилма), Сумбетимер 1 (263 та топилма) каби ёдгорликлар киради [2]. Улар орасида ўртача хажмдаги бир неча юзлаб ёдгорликлар ҳам мавжуд. Масалан, Айдобол 10 (400 га яқин топилма), Айдобол 16 (5000 га яқин топилма), Актобе 2 (5000 дан зиёд топилма) [3]. А.В.Виноградовнинг фикрича, юқоридаги ёдгорликлар орасида 200 тадан 1000 тагача топилмага эга



бўлганлари бир мартали ёки мавсумий яшаш учун мўлжалланган манзилгоҳлар ҳисобланади [4].

Келтирилган маълумотларга кўра, мезолит даври ёдгорликларини К.Фланненри ҳамда Ф.Хоуллар таснифига мос равишда уч типга ажратиш мумкин [5]:

1. Мавсумий, асосий лагерлар;
2. Овчилик ўлжасини тақсимлаш учун қароргоҳлар;
3. Қисқа муддатли оралиқ маконлар.

Биринчи типдаги ёдгорликлардан турли хил ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган кўплаб меҳнат қуролларини топилган. Иккинчи типдаги ёдгорликлар ов қилиш ва ўлжа маҳсулотини этини тозалаш, тақсимлашга мўлжалланган махсус қуроллар тўплами билан чекланади. Учинчи тип қуроллари биринчи типдагиларга ўхшаш бўлсада, лекин тош буюмлар сони анча кам учраши билан характерланади [6].

Устюрт платосида мезолит даври жамоалари моддий маданиятини биринчи бўлиб Е.Б.Бижанов ўз тадқиқотларида ёритиб берган [3]. Устюртдаги бу давр ёдгорликларининг дастлабки маданий-даврий интерпретацияси ҳам айнан Е.Б.Бижанов томонидан амалга оширилган. Шунинг билан бирга, стратиграфиялашган ёдгорликларнинг ва бу индустриялар учун қилинган тип-варақаларнинг йўқлиги уларнинг маданий хосликлари, нисбий ва абсолют саналаш, даврлаштириш, генезиси, тараққиёт йўллари, маданий ҳамда генетик алоқалари каби қатор муҳим масалаларни ечиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам Устюрт мезолитини ўрганишда ноаниқликлар, мунозаралар мавжуд. Масалан, тадқиқотчилар томонидан мезолит давригагина хос деб ҳисобланган ёдгорликларни алоҳида олиб қарайлик. Бу борада биз бир хил фикрни топа олмаймиз. Е.Б.Бижановнинг фикрига кўра, Айдабол 16, 25 маконларини, Айдабол 6, 9, 11, 21, 22 ларни аниқ мезолит даврига ва Жаринқудуқ топилмажойларини эса шартли равишда мезолит даврига оид, дейиш мумкин. Актайлак 1 (1 тўплам), Актобе 2, Чурук 2 (1 ва 2 тўплами), Чурук 7, Сулама, Чурук 3 (2 тўплами) манзилгоҳлари Е.Б. Бижанов томонидан сўнгги мезолит [4] ёки илк неолит даврлари билан саналанган. Актайлак ва Айдабол ёдгорликларини саналашга А.В.Виноградов эҳтиёткорлик билан ёндошади [5], бироқ, унда гап қайси тўплам ҳақида бораётганини тушуниш қийин. Фикримизча, мезолитдан неолитга ўтиш даврига юқорида Е.Б. Бижанов таъкидлаган ёдгорликлар қаторига Актобе 2, Чурук 2 (1 ва 2 тўпламлар), Чурук 7 лардан ташқари, Сумбетимер 1, Косхатин 2, Кийсиксинграв 2 (11 тўплам), Айдабол 7, 10, 12, 14, 15, 20 ва 23 манзилгоҳларини ҳам киритиш мумкин.

Устюртдаги мезолит даври ёдгорликларига катта фоизли микролит элементли пластинкасимон чақмоқлаш техникасида ишланган буюмлар характерлидир. Иккиламчи ишлов беришда кўпинча ўтмаслаштирувчи ретуш қўлланилган. Пойанаксимон пайконлар ишлаб чиқарилган. қирғиччалар, кесгичлар кўплаб учрайди. Шунингдек, бу ёдгорликларда чиғаноқлардан ишланган тақинчоқларни ҳам учратиш мумкин. Устюрт мезолит даври



ёдгорликларининг келиб чиқиши (маданий хослиги) ҳали маълум эмас. Е.Б.Бижановнинг фикрича, Устюртда Каспийбўйи ва Жанубий Урал мезолити таъсирида шаклланган аралаш ҳамда ўзига хос маҳаллий маданиятлар шаклланган [6]. Исбот сифатида у Урал ҳамда Каспийбўйи ёдгорликларидаги ва Устюртдаги трапецияларнинг ўхшашлигини мисол келтиради. Бир вақтнинг ўзида Е.Б. Бижанов, тафовутлар ҳақида ҳам тўхталади ва Устюрт мезолитининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, бу ернинг ўрта тош даври ёдгорликларини маҳаллий Есен 2 ва Чурук 12 каби палеолит маконларидан ўсиб чиққанлиги ҳақида фикр юритади [5]. Бироқ, трапецияларнинг Устюртда, Уралда, Каспий бўйида ва ҳатто Европа мезолит даври ёдгорликларида учраши қонуният бўлиб, таққослаш учун ва умуман маданий генезислар учун уларни асос қилиб олиш етарли далил эмас [6].

Устюрт мезолити учун микролит элементларнинг кўп улуши бор пластинкали парчаланиш техникаси индикатив ҳисобланади. Асосий материаллар ўрта профилли ва тўғри профилли микро пластиналарнинг қисмлари бўлди. Камдан-кам ҳолларда катта кенг ликопчалар қўлланилди. Иккинчи ишлов бериш техникасида маҳсулотнинг бир ёки икки чети бўйлаб, шу жумладан юқори ёки текис учи билан қирқилади. Курулнинг икки томонидан бичиб ва кесиш орқали сачранди техникаси тавсия этилган [4]. Маҳсулот турларининг таркибига катта, симметрик ва асимметрик трапециялар киради, улар бир қиррали, иккинчисининг ён қирралари бор катта ва ингичка пропорциялар эди. Уч чети бўйлаб тўмтоқ ретушь билан, юқори учи билан ўйиғи бор намуналар ("шоҳли" трапеция) бор.

Устюрт мезолитининг маданий ўзига хослиги. Е.Б.Бижановнинг айтишича Каспий билан Жанубий Оролнинг мезолит маданий таъсирдан шаклланган Устюртда маҳаллий шакли бошқача аралаш маданият бўлган. Далил сифатида у илк мезолит ёки сўнгги палеолитга оид Шикаевка трапециясини, Жанубий Оролнинг илк мезолит Катта Бугодок IV, Шарқий Каспий худудининг Дефе-Чаганак, Жануби-ғарбий Қозоғистонда - Евгениевкани келтириб ўтади. Шу билан бирга, Е.Б.Бижанов Устюрт индустрияси билан таққосланган жойлар ўртасидаги фарқни таъкидлаб, Устюрт маконларига назар ташлаб, Есен 2 ва Чурук 12 типидagi маҳаллийликни палеолит негизида пайдо бўлиши мумкин ва махсус маданиятга бириктиришга имконият беради деган фикрда [5].

Устюрт мезолитининг хронологияси ҳақидаги масала гипотетик ҳисобланади. Археолог Е.Б.Бижановнинг айтишича Устюртнинг мезолит даври дастлабки маконларининг ёшини Жанубий Уралдаги Шикаевка II юқори палеолит даври билан Жанубий Оролнинг илк мезолит материаллари - Катта Бугодок IV типи бўйича энг тарқалган мезолитни аниқлашга бўлади [3]. Даврий хронологиясини ҳисоблаганда мил. авв. VIII-VII минг йиллик даврни, Е.Б.Бижанов мил. авв. 7-6 минг йилликларга тўғри келадиган сўнгги мезолит ёки илк неолит даврига киритади.

#### **Устюрт мезолити хронологияси ва даврлаштириш [4]**

<b>Босқичлар</b>	<b>Санаси</b>	<b>Макон ва жойлар</b>
------------------	---------------	------------------------



Учинчи босқич, мезолит охири - илк неолит.	мил. авв. VI-V минг йилликлар боши	Айдабол-2, Айдабол-4, Айдабол-7, Айдабол-10, Айдабол-23, Айдабол-20, Актайлак-1, Қосқатин- 2, Чуруқ-2, Сумбетимер-1, Дахли, Сай-Утес, Ақтобе-2.
Иккинчи босқич, мезолит охири	мил.авв. VII-VI минг йилликлар	Айдабол-6, Айдабол-4, Айдабол-11, Айдабол-21, Айдабол-22, Жаринқудуқ-1, Чуруқ-2, Чуруқ-3, Чуруқ-7, Чуруқ-10, Чуруқ-11.
Биринчи босқич, ривожланган мезолит	мил.авв. VIII-VII минг йилликлар	Айдабол-12, Айдабол-14, Айдабол-15, Айдабол-16, Айдабол-25, Ақтобе-1, Қайсиқ Шингирау-2, Сулама, Кугисем-4, Ақтайлак-1.

Ҳозирги вақтда Устюртда мезолит даври маданиятларини аниқ таркиб ва даврий босқичларга ажратиш учун маълум даражада маълумотлар етишмаяпти. Бунинг асосий сабаби стратиграфиялашган ёдгорликлар ва уларга тегишли индустрияларнинг тўлиқ ва аниқ типологиясини шакллантириш, қуроллар типлари ва уларнинг фоиз нисбатларини таҳлил қилиш, шунингдек абсолют саналаш усуллари орқали ёдгорликларнинг аниқ даврий тизимини яратиш учун илмий муаммоларнинг ечими зарурлигида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлар нафақат археологик ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилади, балки мезолит давридаги инсон жамиятининг ижтимоий, маданий ва иқтисодий ривожланиши ҳақидаги билимларимизни ҳам бойитишга ҳисса қўшади. Устюрт мезолит даври ёдгорликлари келажакдаги археологик ва тарихий тадқиқотлар учун катта илмий потенциалга эга бўлиб, уларнинг тўлиқ ўрганилиши учун комплекс, интердисциплинар ёндашув зарурлиги яққол кўринади.

### References:

1. Бижанов Е.Б. Неолитические памятники Юго-Восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура Юго-Восточного Устюрта. Ташкент. 1978.
2. Бижанов Е.Б. Находки памятников палеолита в Юго-Восточном Устюрте \\ ВККФАН УзССР. 1979.
3. Бижанов Е.Б. Верхнепалеолитические местонахождения с Юго-Восточного Устюрта \\ ВККФАН УзССР. 1980.
4. Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта \\ Археология Приаралья. Ташкент. 1982.



5. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта., Автореф на соис. уч. степ. д.и.н. Ташкент. 1996.
6. Виноградов А. В. Охотники и рыболовы Среднеазиатской междуречья. Москва, 1981.